## • Маҳаллий ресурслар — бебаҳо бойлик

**● Фарғоналиклар ўзларида бор маҳсулотни кўпини республикадан ташиб келишяпти.**

**● Керамзитдан тайёрланадиган уй-жойлар қурилиши ҳажмини ошириш мумкинми?**

**● Шўрсув бойликларидан фойдаланишни яхшилаш учун темир йўл қурилиши керак.**

# ОЧИЛМАГАН ХАЗИНА

Фарғоналик қурувчиларнинг янада унумлироқ, пишиқ-пухтароқ иш юрита олмаганликларига материал таъминотидаги узилишлар ҳам сабаб бўляпти. Объектларга ҳар доим керакли миқдорда ғишт, керамзит, гипс каби зарур хом ашёлар етказиб берилмаяпти.

Ўзбекистон районининг Тожикистон ва Қирғизистон билан чегара қисмида Шўрсув посёлкаси бор. У ярим аср муқаддам геологлар олтингугурт ва озокерит конларини топиб, саноат асосида қазиб олишга киришган йилларда ташкил этилган. Ҳозир бу ерда унча катта бўлмаган бир нечта корхона мавжуд. Ўтган йилнинг ноябрь ойида уларни ва Олтиариқдаги бинокорлик материаллари заводини бирлаштириб, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш Шўрсув конхимия ишлаб чиқариш бирлашмаси тузилди. Бирлашма 1988 йили 16 миллион сўмликдан зиёд туйилган олтингугурт, оҳак, ғишт, гипс, полиэтилен буюмлар, шунингдек, қум, шағал ишлаб чиқарди.

— Маҳсулот ҳажмини қарийб икки баробар ошириш учун резерв ва имкониятларимиз бор, — деди бирлашма бош инженери Алишер Рўзиев. — Қаранг, резервлар оёқ остида ётибди.

Атрофдаги ўркач-ўркач баландликлар, қизғиш, оқиш тусли адирлик ва тоғларнинг ҳар бир қаричи муҳим хом ашё — ғиштбоп, керамзитбоп тупроқлар, оҳактошлар, гипс қатламларидан иборат экан. Ҳисоб-китоблар бўйича Шўрсувда 60 миллион тонна ҳажмда оҳактош запаслари бор. Улар йилига 200 минг тоннадан қазиб олинса ҳам ўттиз йилга етади. Оҳакнинг активлик даражаси 92—96 процент. Демак, сифатли.

Ғиштбоп тупроқ бойликларини айтмайсизми? Йил сайин 75 миллион донадан маҳсулот тайёрланса ҳам камида 120 йилга етади. «Химгеологонеруд» институтининг тадқиқотлари 70 миллион тонна керамзит ишлаб чиқаришга етарли хом ашёдан қониқарсиз фойдаланилаётганидан дарак беряпти. 20 гектарлик карьердан кўп миқдорда тош-шағал, қум йиғиштириб олиш мумкин. Фарғона области, жумладан Шўрсувдаги корхоналарнинг ўзлари ҳам гипсни Тожикистон ССРдан олиб келишяпти. Шу ернинг ўзида эса гипсбоп хом ашё тўлиб-тошиб ётибди. Гипс қатламларининг умумий ҳажми 60 миллион тоннани ташкил этади. Қизил бўёқ тайёрлаш учун хом ашё материаллар бор. Бироқ унинг жойлашиш зоналари ўрганилмаган, бўёқ ишлаб чиқариш технология линиялари ўрнатилмаган.

Шўрсувдаги табиат инъомларидан унумли, тежаб-тергаб фойдаланиш учун бир қатор муаммоларни ҳал этиш керак. Ҳозир йил сайин 130 минг тоннадан майдаланган оҳактош ишлаб чиқарилмоқда. 17,5 минг тоннадан қурилишбоп оҳак тайёрланиб, маҳаллий саноат корхоналарига сотиляпти. Яқинда йилига 30 минг тонна оҳактошни шахта усулида қайта ишлайдиган айланма печь қурилиб, ишга туширилди. Шу йилдан у маҳсулот бера бошлайди. Ҳозиргача оҳак қўл кучи билан куйдирилларди. Янгилик туфайли маҳсулот сифати ва меҳнат унумдорлиги анча ортади.

Ёнилғи ўрнида бу ердан нефть билан бирга олинаётган газдан фойдаланилмоқда.

Майдаланган оҳактошлар эланганида 50 миллиметрдан кичик ҳажмдаги чиқиндилар кўп чиқяпти. Агар оҳакни горизонтал айланма печларда куйдириш технологияси жорий қилинса, бундан ҳам фойдаланиш имкони яратиларди. Шу кунларда «Узгипроместпром» институтида ана шу технология Шўрсув шароитига мосланмоқда. Бундай печь қурилгач, оҳак ишлаб чиқариш йилига 110 минг тоннага етади. 6 гектарни ишғол этган оҳактош конидан самарали фойдаланиш туфайли йилига 500 минг тоннага яқин оҳак маҳсулотлари ишлаб чиқариш мумкин.

Ғишт заводи бир йилда 25 миллион донадан маҳсулот тайёрлаяпти. У тўла қувват билан ишласа 32 миллион донадан ғишт беради. Заводнинг иккинчи навбатини қуриш учун территория масаласи ҳал этилмаган.

Завод қошида гипс цехи ташкил қилинган. Унда овоз ўтказмайдиган ва пардоз плиталари ишлаб чиқарилмоқда. Цех маҳсулотларига талаб жуда катта. Уни кенгайтириш учун ишчи кучлари етарли. Аммо энг муҳим нарса — хом ашё 45 километр узоқликдаги Тожикистон ССРнинг бинокорлик материаллари комбинатидан олиб келинади.

— Ўтган йили 12,5 минг тонна гипс хом ашёсини фақат ташиб келтириш учун 100 минг сўм харжладик, — дейди завод директори Қурбонали Абдураҳмонов. — Агар оёғимиз остидаги хом ашёни қайта ишлай олганимизда бунинг учун атиги 20 минг сўм сарфлаган бўлардик.

Шўрсувда гипсбоп тупроқ борлиги бундан ўттиз йил муқаддам аниқланган. Карьердан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида оближрокомнинг қарори бор. Масала «Химгеологонеруд» институтига тақаляпти. Институт қидирув ишлари олиб бориб, кон бўйича сўнгги далил-исботлар асосида илмий хулоса чиқариши керак. Бунинг учун республика давлат План комитетининг рухсати лозим.

Шу мақсадда завод ҳамда бирлашма илғари республика бинокорлик материаллари саноати министрлигига, кейин Ўзбекистон ССР Қурилиш давлат комитетига ёрдам сўраб мактуб йўллади. Бироқ ҳали жавоб бўлгани йўқ. Агар карьердан фойдаланиш учун рухсат тегса, бирлашма 1990 йилда яна 30 минг тонна гипс ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган цех ташкил этади.

Цехга келтирилаётган ҳар бир тонна гипс таннархи 24 сўм 58 тийинга тўғри келяпти. Агарда маҳаллий хом ашёни ишлатиш мумкин бўлса у 17—17,5 сўмга арзонлаштирилади. Овоз ўтказмайдиган ва пардоз плиталари ишлаб чиқариш ҳажми 3—4 мартага ортади ёки гипс цехи ҳозирги 144 минг сўмлик ўрнига қарийб 2 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлайди.

Ўзбекистон районида 1988 йили 50 та турар жой жуда қисқа муддатда қуриб битказилди. 3—4 хонали бу уйлар қишда иссиқ, ёзда салқин, ер силкинишларига бардошли. Чунки улар ғишт ўрнига керамзитдан қад кўтарган. Битта уй қуриш учун одатда 40 минг ғишт сарфланади. Керамзит уйни тиклашга 40 кубометр маҳсулот кетади. Бундай уйларни қуриш қарийб беш марта арзон. Иш вақти ҳам оз кетади. Демак, уй-жой программасини муваффақиятли бажариш учун керамзитдан кенг кўламда фойдаланиш мумкин. Фарғона областида бундай маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун хом ашё запаслари кўп. Мавжуд хом ашё бойликлари ҳажми 70 миллион тоннани ташкил этади ва у камида 150 йил давомида керамзит ишлаб чиқаришга етиб ортади. Шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1986 йилдаги қарорига кўра 1991 — 1995 йилларда Шўрсувда керамзит заводи қуриш планлаштирилган эди. Бир йилда 160 минг кубометр маҳсулот тайёрлаш қувватига эга бўладиган бундай корхона қурилишини жадаллаштириш билан боғлиқ барча масалалар зудлик билан ҳал этилиши зарур. Чунки керамзит заводи уй-жой программасининг амалга оширилишига жуда катта ёрдам беради.

Шўрсув табиий бойликларидан самарали фойдаланишнинг асосий калити — йўл муаммосидир. Саноат корхоналарини область миқёсидаги магистралларга боғловчи йўллар талабга жавоб бермайди. Келажакда қуриладжак саноат объектларини назарга олиб, Ўзбекистон партия ва ҳукумати Шўрсувда темир йўл шохобчасини қуриш ҳақида қарор қабул қилган эди. «Ташгипротранс» лойиҳа институти 1980 йилда бўлажак темир йўлнинг техник-иқтисодий далилларини ишлаб чиқди. Қурилишнинг беш вариантидан бири танлаб олинди. Унга кўра 36 километрли темир йўл икки босқичда барпо этилади. Биринчи босқич — Карим девона қишлоғигача бўлган масофада қурилади. Бунга 14 миллион сўм маблағ зарур. Бирлашма унинг 5 миллион сўмини тўлашга қурби етади. Қолган маблағни мазкур территорияда жойлашган корхона ва ташкилотлар бериши мумкин. Чунки темир йўл шохобчасининг қурилиши бирлашма қатори бошқаларнинг ҳам юкларини ташиб келтириш ва жўнатишни анча енгиллаштиради. Шўрсувдаги корхоналар ишлаб чиқараётган материаллари билан Фарғона водийси ва республикадаги бир қатор областларнинг бинокорларини ҳам таъминлашига йўл очади. Ҳозирги биринчи галдаги вазифа республика партия ва ҳукуматининг 1979 йилги қарорининг амалга оширилишини таъминлаш чорасини кўришдан иборатдир.

Агар Шўрсув бойликларига нисбатан оқилона муносабатда бўлсак, ундан фойдаланишда табиатга озор етказмасак, йил сайин 30 миллион сўмликдан зиёд турли хилдаги сифатли бинокорлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш мумкин. Бунинг учун етарли даражада ишчи кучлари ҳам бор. Фақат Ўзбекистон районининг ўзида 5 мингга яқин киши ижтимоий меҳнатга жалб этилмаган. Шўрсув Фарғона водийсидаги бинокорлик материаллари ишлаб чиқариладиган энг йирик бирлашма бўлиб қолиши керак.

**А. НИЁЗОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.**

## Мусобақа илғори

**Ўлкамизда қиш охирлаб қолди. Кўклам келиб, табиат уйғонадиган пайтлар яқин. Бободеҳқон ҳам далага чиқиб, экинтикин ишларини бошлаш учун шайланиб турибди. У азалдан масъулиятли мавсумни пухта ҳозирлик билан кутиб олган. Дарҳақиқат ер текислаш механизмлари, трактор ва сеялкаларни пухта созлаб қўйганлар экиш пайтида шошиб қолишмайди.**

**Тошкент область Бўка районидаги «Ленин йўли» колхози миришкор деҳқонлари ҳам буни яхши биладилар. Ўтган йили ҳам бу ерда техника яхши шайланганы сабабли чигит вақтида экилиб, кузда эса мўл ҳосил кўтарилганди. Бу йил ҳам хўжалик марказий ремонт устахонасида иш қизғин. Механизаторлар ўртасида ташкил этилган социалистик мусобақа яхши самара бераётир. Меҳнат беллашувида Иброҳим Мусаев пешқадамлик қилмоқда. Ана шундай илғорларнинг ғайрати туфайли колхознинг 35 ҳайдов трактори, 31 сеялкаси мавсумга тахт қилиб қўйилди.**



**Суратларда: мусобақа илғори Иброҳим Мусаев ва старт чизиғига келтириб қўйилган агрегатлар.**

**А. ТЎРАЕВ фотолари.**

# «Ўзбекча гапирай...»

Яқинда яна бир орзуимга етдим. Мен теварак оламдаги нарсаларни, шаҳримни чулғаб олган асрий чинорларни, баланд тераклар шохларини ҳамон тарк этишни истамаётган яшил япроқларни, илиқ куз алдовига учиб ариқлар ёқаларида унаётган гиёҳларни ўзбек тилида ҳам атай бошладим. Чунки яқинда Фарғона саёҳат ва экскурсиялар бюроси ҳузурида ўзбек тилини ўрганиш курслари ташкил этилди. Биринчилар қатори шу курслар машғулотларига қатнаяпман.

Анча йиллардан буён шу ерда экскурсовод бўлиб ишлайман. Иш жараёнида турли миллат, турли тоифа ва характердаги кишилар билан муносабатда бўласан. Республиканинг олис районларидан келиб, автобусда водийни саёҳат қилиб юрган туристларга хизмат кўрсатишга тўғри келганда қийналиб кетаман. Колхозлардан келган одамларнинг аксарияти русчани яхши билмайди. Экскурсия пайтида экскурсовод ўзича гапириб кетаверади, экскурсантлар эса лоқайд бир тарзда ойнадан ташқарини томоша қилиш билан банд... Албатта, кўпинча бундай группаларга ўзбек тилини биладиган экскурсоводлар бириктиб қўйилади. Бироқ мен бошқа нарса ҳақида гапирмоқчиман. Автобусдаги бир томон рус тилини мутлақо билмаса, иккинчи томон ўзбек тилини билмайди. Ахир биз бир мамлакатда, бир республикада яшаймиз-ку! Яшаяпмизу, аммо баъзан бир-биримизни тушунмаймиз. Мамлакатнинг Европа қисмидан келган туристлар гоҳо шундай деб сўраб қолишади:

— Сизларда ҳам Қорабоғ ёки Сумгаит воқеалари юз беришидан қўрқмайсизми?

Нима учундир мана шундай пайтларда кўз олдимга хизматдош ўртоқларимнинг қиёфалари келади. Коллективда ўзбеклар, руслар, тожиклар, татарлар ва бошқа миллат вакиллари бор. Уларнинг ҳар бири ўзига хос бир олам. Бироқ қийин дақиқаларда ҳам, байрамларда ҳам биз ҳамиша биргамиз. Ташқи қиёфаларимиз бир-биримизга ўхшамаса-да, ҳаммамизни бирлаштириб турадиган умумий томонлар ҳам кўп. Ахир, ҳар бир халқ эзгуликни, тартиб-интизомни, меҳнатсеварликни бирдай қадрлайди-да! Мана шуларни хаёлимдан ўтказиб, туристга ишонч билан жавоб бераман:

— Йўқ, қўрқмаймиз!

Бироқ барибир юрагинг тубида қандайдир ғашлик уйғонади. Бир биримизга ҳурмат, тушуниш ва бир ишхонада ишлашнинг ўзи тўлиқ кафолат бўла олармикин?! Фақат шунинг ўзи, менимча, оз. Сен билан ёнма-ён меҳнат қилаётганларнинг ҳаммасини яхши билишинг керак. Тўғрисини айтганда, бир-биримиз ҳақидаги таассуротларимиз бир мунча чекланган. Баъзан миллий таомларнинг отларию, тўй-томошалар ва мотам маросимларидаги урф-одатлар ҳақида оз-моз биламиз, холос. Лекин ҳар бир халқнинг қандай ажойиб, ранг-баранг, такрорланмас урф-одатлари бор! Немислар ва корейсларнинг меҳнатсеварлиги, пишиқ-пухталиги, ўзбекларнинг юмшоқлиги ва оқ кўнгиллилиги, катталарга ҳурмат-эътибори, русларнинг дангаллиги, маънавий саҳийлиги... айтиб адо қилиб бўлмайди! Ҳар бир киши ўзга халқдаги мана шу энг яхши хусусиятларни ўзлаштирмоғи лозим. Бунга мисоллар бор.

Яқинда Литвадан келган туристлардан бир группаси Фарғона қишлоқларидан бирида оддий ўзбек хонадонига кириш истагини билдиришди.

— Бироқ огоҳлантирмасдан йигирма ўттиз кишининг бирдан бегона хонадонга кириб бориши қандоқ бўларкин? — дедим мен.

Литваликлар ўз сўзларида туриб олишди. Каптархона қишлоғидаги дуч келган биринчи ҳовлига кирдик. Ёши улуғроқ уй бекаси меҳмонларни очиқ юз билан кутиб олиб, меҳмонхонага таклиф қилди. Уларни ўзбек нони, кўк чой, анор-олмалар билан меҳмон қилди.

### • Ягона оила туйғуси

Литваликлар ўзбек оилалари қон-қонига сингиб кетган меҳмондўстликдан ҳайратланишди.

Эстониялик бир студент ўзбек оқсоқолига савол бериб қолди:

— Сизларда кўпгина кўрсаткичлар рус тилида ёзилган. Ўзбекча ёзилганининг ўзи етмайдими? Сиз бунга қандай қарайсиз?

Донишманд оқсоқол унга тик қараб:

— Ие, ўғлим, сен Ўзбекистонга йўлни русча ёзилган кўрсаткичлар бўйича топиб келдинг-ку? Сен билан биз рус тилида бир-биримизни тушуняпмиз-ку, — деди.

Ҳа, тил ҳақидаги мунозаралар ҳозир кўпчиликнинг диққат-эътиборини тортяпти. Ёш ўзбек йигит-қизларининг айримлари рус тилини билишмайди. Бироқ тескариси ҳам бўлиб туради. Олис қишлоқлардан келган бир группа колхозчиларни шаҳар айлантириш керак эди. Автобусга ўзбек экскурсоводни таклиф қилдим. Бироқ экскурсовод:

— Мен ўзбек тилида яхши гапира олмайман, экскурсияни рус тилида ўтказамиз, — деб қолди.

— Ўзингиз ўзбекмисиз ўғлим? — сўради бир аёл.

Экскурсовод тасдиқлади.

— Қандай қилиб ўз она тилида гапирмаслик мумкин? — ҳайратда қолишди автобусдагилар.

Албатта тил танлаш ҳар бир кишининг ўз хоҳишига боғлиқ. Аммо ўз халқининг тилидан ҳеч қачон воз кечиш керак эмас.

Бизнинг ишхонада М. Киреева, В. Вдовкин ва бошқалар ўзбек тилини жуда яхши билишади. Маҳаллий туристлар ҳамиша улар билан бирга бўлишни талаб қилишади.

Қишлоқ мактабларида рус тилини ўрганишнинг қониқарсиз эканлиги ҳам маълум. Айни пайтда рус мактабларида 8 йил мобайнида ўзбек тилини ўрганиш ҳам ижобий натижаларга олиб келмаяпти. Ўзбекистонда 20—30 йиллаб яшаб, ўзбек тилини билмасликни нормал ҳол деб бўлмайди. Баъзан «Ўзбеклар русча гапиришяпти. Бизга ўзбекча ўрганишнинг ҳожати бормикин», дегувчилар ҳам топилади. Бироқ икки халқнинг бир-бирини яхшироқ тушунишида энг яқин йўл — тилни ўрганиш демакдир. Зеро, тилда халқнинг бутун маънавий олами, руҳияти акс этади.

Машҳур революционер, Ленининг сафдоши Е. А. Бабушкин Қўқонга келгандан сўнг ярим йил ўтар-ўтмас ўзбек тилини ўрганиб олган эди. У партия қарорлари моҳиятини асосий қисми саводсиз бўлган деҳқонларга етказиш, уларнинг кўнглига йўл топиш учунгина эмас, балки халққа ҳурмати юзасидан ҳам шундай қилган эди.

Ҳозирги пайтда Фарғонада яшаётган европаликларнинг кўпчилигида ўзбек тилини ўрганишга иштиёқ катта. Улар орасида ёшлар ҳам, пенсия ёшига яқинлашиб қолганлар ҳам бор. Курсларда шуғулланаётганлар ўзлари учун ажойиб кашфиётлар қилишяпти. Маълум бўлишича, рус тилида туркий сўзлар жуда кўп. Ўзбек тили эса енгил ўзлаштириб олинадиган, бой, оҳангдор тил экан. Бу тилни билиш қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ ва бошқа туркий тилларга мансуб халқлар билан гаплашиш имконини берар экан. Ахир, ҳозир мамлакатнинг каттагина қисмида худди мана шу тилларда гапирувчи халқлар яшайди-да! Курсларда шуғулланаётганлар сони кундан-кунга ошиб боряпти.

Кейинги пайтларда телевидение кўрсатувларини ўзбек тилида ҳам кўришга одатландим. Уйдагилар мендан «таржима қилиб бер», дейишса, уларга ҳам тил ўрганишни таклиф қиляпман.

Шаҳримизда ва, фикримча, бутун Ўзбекистонда ўзбек тилини ўрганишни хоҳловчилар кўп. Клубларда, ташкилотлар ва корхоналар ҳузурида мана шундай курслар очиш мақсадга мувофиқ бўларди.

...Кўчада кекса ўзбек мендан «Соат неча бўлди», деб сўраб қолди. Мен ўзбекчалаб соат неча бўлганлигини айтиб бердим. Мўйсафиднинг кўзларида аллақандай меҳрибон бир нур порлади. Худди иккаламиз бир-биримиз ҳақида қандайдир яхши бир хабар эшитгандек, орамизда аллақандай меҳр риштамалари пайдо бўлди. Ҳа, дарахтларнинг юз йиллаб яшашлари бежиз эмас. Уларнинг томирлари жуда теран. Бир-бирларининг тарихига, маданиятига, тилига ўзаро ҳурмат, тушуниш бамисоли ана шундай теран томирлардирки, улар биз авайлаб келаётган улуғ дўстлик дарахтига яна минг йилларгача озиқ бериб тураверади.

**Л. ХОДЯКОВА,**
**Фарғона шаҳридаги саёҳатлар ва экскурсиялар бюроси экскурсоводи.**

### • Календарни варақлаганда

# «Ер айланаверади»

(ГАЛИЛЕО ГАЛИЛЕЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 425 ЙИЛЛИГИГА)

Буюк итальян физиги, механик ва астрономи, табиатшуносликнинг асосчиларидан бири, шоир, филолог ва танқидчи Галилео Галилей туғилган кунга бугун 425 йил тўлади. У ниҳоятда иқтидорли шахс эди. Олимнинг XVII асрда механика, оптика ва астрономия тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳамда таъсири бебаҳодир. Унинг илмий фаолияти, улкан аҳамият касб этган кашфиётлари, фандаги жасурлиги оламни гелиоцентристик система деб тушунишнинг ғалаба қозонишида ҳал қилувчи роль ўйнади.

Галилео Галилейнинг механиканинг асосий принципларини яратишдаги ишлари, айниқса, диққатга сазовордир. У биринчи бўлиб ҳаракатларнинг нисбийлиги тўғрисидаги ғояни илгари сурди, механикага оид бир қатор асосий муаммоларни ҳал этиб берди.



Оламнинг объектив мавжуд эканлигини тан олиш олим дунёқарашининг асосидир. Бошқача айтганда, олам инсон онгидан ташқарида ва мустақил суратда мавжуддир. У кузатишни оламни билишнинг бошланиши, тажрибани эса фаннинг асоси деб ҳисоблади. У биринчи телескопни қурди. Беҳисоб юлдузлар ва сайёраларни кузатди. У ойдаги тоғларни кашф этди. Соялар узунлигига қараб баландликни ўлчади. Юпитернинг тўртта йўлдоши борлигини аниқлади. Уларнинг айланиш муддатларини кўрсатди. Сатурнни кузатди. Ниҳоят, олим Қуёшда доғлар мавжудлигини кашф қилдики, уларнинг ҳаракатига қараб бу ёруғликнинг ўз ўқи атрофида айланишини аниқлади. Веранинг фазаларини кашф қилиб, Марснинг кўриниб турган диаметри ўзгаришини қайд этди. Ҳа, бу ишларнинг ҳаммасини бир ўзи қилди.

Ўша давр бидъатчилари ва хурофотчилари, инквизиция бундан даҳшатга тушди. Гарчи олим уларнинг тазйиқи остида оламнинг гелиоцентристик система эканлиги ҳақидаги дунёқарашдан воз кечса-да, барибир: «Ер айланаверади!» деб хитоб қилган эди. Тўғри, бунинг қанчалик ҳақиқат эканлигига гувоҳлик бера олмаймиз. Бироқ у олим ҳаёти ва ижодининг ҳақиқий мазмунини ифода этиб турибди.

**Газетхонлар диққатига тарих фанлари кандидати М. Лапицкий очеркидан лавҳаларни ҳавола этамиз, у «Рабочий класс и современный мир» журналининг шу йил январь—февраль сонларида тўла чоп этилади.**

### • Америкага назар

# УЛАР ШУНДАЙ ИШЛАЙДИЛАР

Америкаликлар меҳнатсеварлиги фактини қандай тушунтириш мумкин. Хўш, у ерда қандайдир ўзгача одамлар яшайдиларми? Америкалик ёзувчи ва этнограф Пола Гарб бу саволларга шундай жавоб берди: «Америкаликлар меҳнатсеварлиги қаердан? Бу тарбиядан келиб чиқади. Мен Америкада одамлар фақат ишдан маҳрум бўлиб қолиш учунгина яхши ишлайдилар, дея олмайман. Бу, америкаликлар меҳнатсеварлигининг бошланғич, лекин асосий сабаби эмас. Дарҳақиқат, шундай вақтлар бўлганки, ҳар бир киши агар ёмон ишласа, унинг ўрнига бошқаси келишини биларди. Кейинчалик эса жамият одамлар онгига: «Америкалик меҳнат қилишни билади» деган фикрни қуйиб қўйди.

Анъанавий Америка тарихи замонавий социологлар «юқорига кўтарилиш» деб атовчи нарсани доимо таъкидлаган. Кечаги камситилган «кичик одам» эртага мустақил заминдорга айланади, кечаги малакасиз ишчи эртага бой корхона эгаси бўлмоқда. Таниқли сиёсий арбоблар, бой саноатчилар ва бизнесменлар муваффақият рамзлари бўлиб қолган. Дурадгор ўғли Авраам Линкольннинг ҳаёти шунга ўхшаш намуналардан биридир. У ишчи, адвокат, сиёсий арбоб, ниҳоят АҚШ президенти бўлди. Генри Форд ҳам кўпинча мисол қилиб келтирилади. У ўз меҳнат йўлини оддий механикликдан бошлаб, «автомобиль қироли» даражасида якунлади. Муҳожирлар учун ҳам шундай «андоза» — пўлат корчалони Эндро Карноги. Ўн икки ёшлик қашшоқ бола АҚШга келгандан сўнг нисбатан тез орада бойиб кетди.

Ишчанлик, пухталик, интизомлик, вақтни қадрлаш маҳорати америкаликлар меҳнат жараёнида кўзга дарҳол ташланади.

Илмий ходимлар делегацияси составида АҚШда бўлганимда мен бунга ишонч ҳосил қилдим.

Биз университет марказларида, кутубхоналарда, архивларда — қаерда бўлмайлик, ана шу муассасалар барча бўғинларидаги ишнинг аниқлиги, бир-бири билан узвий боғланиб кетганлигидан лол қолмаслик, бизда эса шундай эмаслигидан таассуф қилиш мумкин эмасди. Кутубхона ишининг яхши йўлга қўйилган системаси қисқа муддатда зарур материал, малакали маслаҳат, нусха олиш имконини беради. Ниҳоят, бирон китоб ёки мақола билан танишиш ҳақидаги илтимосингизни очиқ чеҳра ва хушмуомалалик билан қабул қилишади.

Мазкур мақола муаллифининг мамлакатимизга келаётган кўпчилик америкалик олимларнинг меҳнатсеварлик қобилияти, қаттиқ ишлашини кузатишга ва лол қолишга кўп марта тўғри келган. Улар конференциялар, симпозиумлар, учрашувлар, экскурсиялардан ортган бўш вақтни ўз ишлари учун фойдаланишади. Улардан бирлари навбатдаги мақола ёки монография учун материал танлашади — бундай материал океан оша чамодонда келтиришган қалин китобларда бўлади (ҳолбуки бу ишни уйга қайтгач бажариш ҳам мумкин), бошқалари Совет Иттифоқидан келгач — университетда ўқиладиган лекцияларга тайёргарлик кўрадилар, қолганлари ҳам вақтни зое кетказишмайди, ватанларида бошлаб қўйган бирон-бир ишни давом эттиришади. Ҳолбуки, улар бизга бирон ҳафтага келишган! Улар чарчоқ нималигини билишмайди, аксинча доимо бардам ва тетикдирлар.

Бошқа кўпчилик компанияларда бўлганидек РМИ («Ю. С. стиль энд нэшнл дистиллерс» компаниясига қарашли корхона)нинг асосий тимсоли — кулиб турган очиқ чеҳрадир. Уни фирма қоғозларида, заводлар дарвозалари пештоқида, корхоналар рекламасида, ишчиларнинг ҳимоя қалпоқларида кўриш мумкин. «Иложи борича кўпроқ жилмайинг, иложи борича кўпроқ кўришинглар, ҳар бир кишининг номи зикр этилсин» — бу америкача иш юритишнинг машҳур хислатидир. Айни чоғда корхона ва завод цехларида меҳнат фаоллигини рағбатлантириш яхши йўлга қўйилган. Бош директор-тақсимотчи Катта Жим Дэниеллни доимо ишчилар орасида кўриш мумкин. У ишчилар билан ҳазил-мутойиба қилади, икки минг ишчини номма-ном билади, касаба союзга ҳам катта эътибор беради. У касаба союз раисининг: «Дэниелл бизни ўз кенгашларига таклиф этади ва ишнинг бориши билан таништиради. Ҳолбуки, бошқа корхоналарда бундай эмас», деган мақтовига ҳам сазовор бўлган. Албатта бунда гап Катта Жим ишчиларнинг яқин ўртоғи эканлигида эмас, балки ишга ана шундай ёндашилганда компания фойдаси ортишидадир. Бу эса инсоний муносабатлар билан қизиқишни тақозо этаяпти.

«Намунали компаниялар» корхоналарида ҳурмат талабчанлик билан узвий боғлиқ. Бироқ ана шу муносабатлар ишонч, ахборотлар ошкоралиги ва оддий муомала асосига қурилганлиги билан характерлидир. Эҳтимол муаллиф ана шу корхоналардаги ишларнинг аҳволини бирмунча ошириб юбораётгандир, лекин улар фаолияти практикасидаги кўпгина конкрет мисоллар етарли равишда ишончлидир.

Энг аввало, рағбатлантириш шакллари хилма-хилдир, улар нафақат моддий, балки маънавий ҳамдир. ИБМнинг Нью-Йоркдаги молия идораси пастки қаватида одатдаги Ҳурмат тахтаси йўқ, лекин идора барча ходимларининг суратлари осиб қўйилган. Суратлар устига «Иш одамлар қўлида» деган шиор ёзилган.

Масалан, «Женерал моторз» компаниясининг раҳбарияти конвейерда ишлаётган бригадаларга қуйидаги таклиф билан мурожаат этди: меҳнат унумдорлигини ошириш учун нима қилиш кераклигини ишчиларнинг ўзлари ҳал қилишсин. Бунга жавобан улар ҳар бир ишчи мустақил равишда деталларни етказиб берувчилар билан раҳбарсиз боғланиш учун бутун конвейер бўйлаб ҳар 20 метрда телефон ўрнатилишини таклиф этишди. Бу таклиф жорий этилиши натижасида илгари брак қилинган деталларни алмаштиришга икки-уч ҳафта кетган бўлса, энди эрталабки телефон қўнғироғидан сўнг улар пешинда алмаштирилмоқда.

Американинг баъзи корхоналарида ишчилар группасидан (5—15 киши) иборат «сифат назорати тўгараклари» ишламоқда. Улар маҳсулотлар сифати ва меҳнат унумдорлигини ўстириш масалаларини кўриб чиқиб, ҳал этмоқдалар. Бу сифат тўгаракларини америкалик бизнесменлар Япония практикасидан олишди. 1985 йилда Америка компанияларининг 44 процентида «сифат тўгаракларри» мавжуд эди.

Америка корхоналарида бундай тўгараклар тезда жорий этилишининг бошқа томони шошма-шошарлик, ташкилий методик жиҳатдан таъминланмаганлик, бошқарув аппарати раҳбарлари ва ходимлари етарли қўллаб-қувватланмаганлигидир. Шунга қарамай, бу тўгараклар фаолиятининг умумий самараси катта бўлди. 70-йиллар охирида ўтказилган икки йирик тадқиқот шуни кўрсатдики, мавжуд ишчилар «сифат тўгаракларининг» 80 проценти меҳнат унумдорлиги ошганлиги билан ўзини оқлаган. Бундан ташқари, корхоналарда тез ва виждонан меҳнат қилишнинг маънавий-психологик муҳити қарор топган. Лекин олисни кўрувчи бизнесменлар соғлом-маънавий психологик муҳитга жисмоний саҳат-саломатликсиз эришиб бўлмайди, деб ҳисоблашмоқда...

**Хўш, нега биз америкаликлардан меҳнатсеварлик ва меҳнатга муносабат бобида орқада қоляпмиз? Бу нохуш аҳволни тушунтирувчи муҳим сабабларни айтсам, Американи кашф этган бўлмайман. Меҳнатга кам ҳақ тўлаш (бу эса ишдан манфаатдорликни рағбатлантирмайди), моллар етишмаслиги, меҳнатга ҳақ тўлашдаги текисчилик, социал бефарқлик, тегишли анъаналар ва кўникмаларни, шунингдек В. Маяковский айтган республика меҳнатига қўшиладиган «менинг меҳнатим» туйғусини йўқотиш шулар жумласидандир.**

**Яхшироқ ишлаш учун ўз тажрибангни, муваффақиятларингни ва бошқа халқлар муваффақиятларини ўрганиш зарур.**

**(«Рабочий класс и современный мир» — АПН).**

